

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Дастурий маҳсулотлар ва ахборот
технологиялари технологик парки
дирекцияси” МЧЖ директори



Ф. Ибрагимов

«___» март 2022 йил

**ТАЪЛИМ ПЛАТФОРМАСИ ОРҚАЛИ ЎҚУВ КУРСЛАРИ
КОНТЕНТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИНИ
СОТИБ ОЛИШ УЧУН
ТЕХНИК ТОПШИРИК**

«38» бетда

“___” март 2022 йилдан амалда

ТОШКЕНТ-2022й.

МУНДАРИЖА

1. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР	4
1.1. Асосий тушунчалар, таърифлар ва қисқартмалар.....	4
1.2. Лойиҳанинг мақсади.....	7
1.3. Фойдаланиш хуқукини сотиб олиш учун асос.....	7
1.4. Лойиҳа муддати	7
1.5. Фойдаланувчилар сони	7
1.6. Ижроига қўйиладиган умумий талаблар	7
1.7. Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар	8
2. ҚЎЛЛАШ ДОИРАСИ	8
3. ОНЛАЙН ЎҚУВ КУРСЛАРИ ТАВСИФИ	8
3.1. Ўқув курсининг қисқа ва тўлиқ изохи.....	9
3.2. Шаклланадиган ҳамда бажарилган таълим натижалари харитаси	10
3.3. Ўқув курси муаллифлари	11
4. ОНЛАЙН ЎҚУВ КУРСЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ.....	11
5. ОНЛАЙН КУРС УЧУН МЕТОДИК ТАЛАБЛАР	12
6. ЎҚУВ КУРСЛАРИ КОНТЕНТЛАРИНИНГ ТЕХНИК ВА УМУМИЙ ПАРАМЕТРЛАРИ	12
6.1. Видео материаллар.....	12
6.2. Турли платформаларда контентни исплатиш имконияти учун талаблар	15
6.3. Имконияти чекланган шахслар учун қулайлик	15
6.4. Фойдаланиладиган ташқи ресурсларга қўйиладиган талаблар	15
6.5. Курс тайёрлигига қўйиладиган талаблар	15
6.6. Платформадан фойдаланувчилар тоифаси ва уларнинг имкониятлари	16
6.7. Платформанинг қўшимча функциялари.....	22
6.8. Хавфезликка қўйиладиган талаблар	22
6.9. Ижрои томонидан буюртмачини техник ўқитиш учун талаблар.....	23
7. ОНЛАЙН КУРСНИ ЎЗЛАШТИРИШДА ЎҚУВ НАТИЖАЛАРИНИ БАҲОЛАШ ТАЛАБЛАРИ	23
7.1. Баҳолаш мезонлари.....	23
7.2. Ўқув натижаларини баҳолаш вазифалари турлари ва усуллари	25
7.3. Таълим олувчиларни аниқлаш ва баҳолаш фаолиятини ўтказиш шартларини назорат килиши	27
8. МАҲСУС ЭҲТИЁЖЛИ КИШИЛАР УЧУН КУРС МАЗМУНИНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛAR	27
8.1. PDF файлларни тайёрлаш	27
8.2. Матнли хужжатларни тайёрлаш.....	28
8.3. Тақдимотларни тайёрлаш	28
8.4. Электрон жадвалларни тайёрлаш	28

8.5. Ҳужжатларни PDF форматида сақлаш	29
8.6. Олдиндан яратылған PDF-файллардан фойдаланиш.....	29
8.7. Математик ифодалар.....	29
8.8. Симуляция ва интерактив модуллар	30
8.9. Машиқтар ва тестлар	30
9. ЖАВОБЛАРНИ АВТОМАТИК ТЕКШИРИШ МУМКИН БҮЛГАН ТОПШИРИҚЛАР ТУРЛАРИ РҮЙХАТИ.....	31
9.1. Ёпик турдаги топшириқлар	31
9.2. Очик турдаги топшириқлар.....	32
9.3. Кетма-кетликни ўрнатыш бүйича топшириқлар.....	32
9.4. Мувофиқликни ўрнатыш бүйича вазифалар	34
10. ИШЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ УЧУН УМУМИЙ ТАЛАБЛАР.....	35
ИЛОВА	37

1. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Ушбу техник топшириқ ўқув курслари контентларини ўз ичига олган таълим платформаси (кейинги ўринларда - Таълим платформаси)га кириш хукукини сотиб олиш орқали мижозларга масофавий таълим хизматларини кўрсатиш бўйича асосий талабларни белгилаб беради.

Таълим платформасида масофавий таълим хизматлари оғлайн (асинхрон) яъни, олдиндан тайёрланган таълим контентларидан фойдаланишга руҳсат бериш асосида ташкил этилади.

1.1. Асосий тушунчалар, таърифлар ва қисқартмалар

Ўқув курслари контентлари (Course Contents) – таълим жараёнида ўқитиш ёки йўналтириш мақсадида фойдаланувчининг бевосита қабул қилиши учун мўлжалланган, масофавий таълимнинг бошқариш тизимига жойлаштирилган ўқув-методик материаллар. Уларга маъruzалар матни, тақдимот материаллари, топшириqlар, қўлланмалар ҳамда билимларни синаш учун фойдаланиладиган саволлар ва тестлар киради.

Таълим платформаси – ўқув контентларини ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда таълим олувчилик етказиб бериш учун мўлжалланаган дастурий восита.

Фойдаланувчи учун кириш хукуки (User Access Right) - фойдаланувчининг ахборот тизими обьектларига (ахборот, уни ташувчилар, жараёнлар ва бошқа манбаларга) қонуний хужжатлар ёки маълумот эгаси сифатида ёхуд эгаси томонидан кириш тартиби ва шартлари белгиланган қоидалар мажмуи.

Масофавий таълим (Distance Education) - таълим олувчи ва таълим берувчининг масофадан бир-биридан ажралган ҳолда ахборот технологияларидан фойдаланишига асосланган, интерактив аудио ва видео конференциялар орқали маълум вакт орасида ўзаро мулоқотда бўлишига, электрон почта орқали тўғри ва тескари алока ўрнатишига, яъни хабарларни жўнатиш ва қабул қилишга мўлжалланган таълим мухитидан фойдаланган ҳолда билим ва қўникмаларни эгаллаш жараёни.

Тайёрлов дастурлари (Foundation Programme) - абитуриентларни университетга тайёрлаш, уларга олий таълимга мослашишга ёрдам бериш, чет тилини билиш даражасини яхшилаш ва олий ўқув юртида ўқишининг барча талабларига жавоб берадиган қўшимча академик қўникмаларга эга бўлиш ҳамда университетларга кириш учун қўшимча имконият берувчи таълим дастури.

Онлайн (синхрон) режим – ўқув жараёнидаги иштирокчилар (таълим

олувчи, ўқитувчи ва бошқалар)нинг интернет тармоғида реал вақт ҳолатида ўзаро таъсири (мuloқоти) (вебинар, видео-конференция, чат, телефон орқали мuloқот ва бошқалар).

Офлайн (асинхрон) режим – ўқув жараёнидаги иштирокчилар (таълим олевчи, ўқитувчи ва бошқалар)нинг интернет тармоғида муайян (бир хил бўлмаган) вақтлардаги ўзаро таъсири (мuloқоти) (видео дарс, электрон почта, чат, форум ва бошқалар).

Таълим олевчи – масофавий таълим шаклига таълим олишга қабул қилинган шахс.

Таълим дастури - бакалавриат таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислиги бўйича ўқув жараёнини амалга оширишга мўлжалланган таълимнинг асосий хусусиятлари (ҳажми, мазмуни, режалаштирилган натижалар), ташкилий-педагогик шарт-шароитлар, фан дастурларига куйилган умумий талаблар, шунингдек, таълимни ташкил этиш ва амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот-ресурс ва ўқув-методик кўрсатмалар мажмуи.

Кредит бирликлари - таълим олиш натижаларига кўра таълим олевчи томонидан муайян фан бўйича ўзлаштирилган ўқув юкламасининг ўлчов бирлиги. Кредитлар қоидага мувофиқ бутун, каср сонларда ифодаланиши мумкин.

Таълим натижалари — таълим олевчи томонидан ўзлаштирилган ва баҳо билан тасдиқланган малака даражасини акс эттирадиган, таълим жараёнини муваффақиятли тугаллагач таълим олевчи ўзлаштирган кўникмалар ва уларни амалда бажариш қобилиятининг тавсифи.

Дастурни таклиф этаётган университет –таълим платформаси орқали бирор фаннинг ўқув контентларини тақдим этаётган олий таълим муассасаси.

Бахолаш мезони - фан ёки модуль доирасидаги таълим олевчининг ютуқларини акс эттирувчи ва тасдиқловчи ёзма, оғзаки, амалий иш, лойиха ва назоратлар каби турлари бўйича таълим олиш натижасини акс эттиривчи шарт.

Кодек (Codec) - рақамли маълумотлар оқимини ёки сигналини кодлаш ёки декодлашни таъминлайдиган қурилма ёки компьютер дастури.

H.264 - бу юқори сифатни саклаб, видео оқимининг юқори даражада зичлаш нисбатига эришиш учун мўлжалланган, лицензияли видео зичлаш стандарти.

mp4 - MPEG-4 стандартининг бир қисми бўлган медиа контейнер формати хисобланади. Белгилаган рақамли видео ва аудио оқимларни тўплаш учун ишлатилади.

RMS (Rated Maximum Sinusoidal) – (максимал синусоидал қувват) бу кучайтиргич ёки карнай бир соат давомида ҳақиқий мусиқий сигнал билан жисмоний шикастланмасдан ишлаши мумкин бўлган қувватни белгилайди.

API (Application Programming Interface) - бир компьютер дастурининг бошқа дастур билан ўзаро ишлаш усулларининг тавсифи (синфлар, жараёнлар, функциялар, тузилмалар ёки доимийлар).

LTI (Learning Tools Interoperability) - бу IMS Global Learning Consortium томонидан ишлаб чиқилган таълим технологияси спецификацияси хисобланади. У таълим ахборот тизимининг ташки ахборот тизимлари билан боғланиш ва мулоқот қилиш усулини белгилайди

XBlock – бу курс элементларининг таркибий архитектураси хисобланиб, мустақил равишда таълим компоненталарини яратиш учун ишлаб чиқилган.

PDF (Portable Document Format) - PostScript тилининг бир катор хусусиятларидан фойдаланган ҳолда дастлаб Adobe компанияси томонидан ишлаб чиқилган электрон хужжатлар учун очик формат.

ISO 32000 - PDF файл версияси спецификациясини белгилайдиган ISO стандартлар оиласи.

URL (Uniform Resource Locator) - электрон ресурсларнинг ягона манзиллар тизими ёки манба жойлашувининг ягона идентификатори.

LaTeX – бу техник ва илмий хужжатларни ишлаб чиқариш функцияларини ўз ичига олган матнни териш ва хужжатларни тайёрлаш тизими.

MathML (Mathematical Markup Language) - WWW хужжатларда математик белгилар ва формулаларни ифодалаш учун мўлжалланган тил.

Swift Calecs – кўплаб замонавий платформаларда ишлайдиган ва “алгебра”, “муҳандислик оптималлаштириш” ва “муҳандислик таҳлили² каби функцияларни амалга ошириш учун мўлжалланган дастур.

ConTeXt (Typesetting System) – мақсадли хужжатлар процессори, у хужжатлар тузилишини, хужжатларни автоматлаштирилган усулда яратиш, нозик типография ва кўп тилли матн териш учун фойдаланилади.

1.2. Лойиҳанинг мақсади

Мазкур техник топшириқ киберхавфсизлик, сунъий интеллект, молиявий технологиялар, график дизайн, дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ҳамда бизнес бошқаруви йўналишларининг тайёрлов (Foundation) дастурларини ўз ичига олган таълим платформасидан фойдаланиш учун кириш хуқукини сотиб олиш мақсадида ишлаб чиқилган.

1.3. Фойдаланиш хуқуқини сотиб олиш учун асос

Таълим платформасидан фойдаланиш учун кириш хуқуки ахолининг барча қатламларини қамраб олиш ва мамлакатнинг энг чекка худудларида хам сифатли таълим олиш имкониятини яратади ва фақатгина рақамли форматда ишлаш имконини беради. Бундан ташқари, Таълим платформасининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, таълим муассасаларига иштирок эта олмайдиган имконияти чекланган инсонлар учун ҳам қулайлик яратади.

Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун асос:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2021 йил 18-19 февраль кунлари Наманган вилоятига ташрифи давомида ва Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясининг 10-баён 139-банди билан барча олийгоҳларининг талabalарини масоғавий ўқитиши тизимини жорий қилиш бўйича чора-тадбирлари;

“Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссияси йиғилишининг 2-сон баёни 22-банди асосида тасдиқланган “Рақамли университет”ни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлари режаси.

1.4. Лойиҳа муддати

Фойдаланиш хуқуқи шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил 29-декабрга қадар давом этади.

1.5. Фойдаланувчилар сони

Таълим платформасидан фойдаланиш учун кириш хуқуки жами 500 нафар фойдаланувчи учун сотиб олиниши керак.

1.6. Ижроига қўйиладиган умумий талаблар

Таълим платформасидан фойдаланиш учун кириш хуқуки таъминлаш шартнома имзоланган кундан бошлаб камида 3 иш куни мобайнида тўлиқ амалга оширилиши керак.

Ижрочи тўлиқ жихозланган, функционал дастурий таъминотдан фойдаланиш ҳуқуки билан биргаликда буюртмачи томонидан талаб қилинган хизматдан фойдаланишининг тўлиқлигини таъминлаши лозим.

Барча хизматлар ушбу техник топшириқда кўрсатилган техник хусусиятларга мувофиқ тақдим этилиши керак.

1.7. Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар

Танлов иштирокчилари танлов ва эълон қўйиладиган шартларга тўлиқ риоя қилишлари керак.

Танлов иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлиши керак. Шунингдек, танловда чет эл фукаролари қатнашишлари мумкин.

Танлов иштирокчилари қайта ташкил этиш, тугатилиш, банкротлик босқичларида бўлмасликлари керак.

Танлов иштирокчиларининг бюджет ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзлари бўлмаслиги керак. Шунингдек, танлов иштирокчиларининг бошқа тадбиркорлик субъектлари олдида уларнинг таклиф нархларидан 10 % ошиқ миқдорда қарзлари бўлмаслиги керак.

Танлов иштирокчилари инсофсиз етказиб берувчилар рўйхатида бўлмаслиги керак.

Танлов иштирокчилари жорий ва аввал бўлиб ўтган харидлар бўйича буюртмачи билан салбий тажрибага эга бўлмасликлари керак.

2. ҚЎЛЛАШ ДОИРАСИ

Таянч (Foundation) курсларни ўз ичига олган Таълим платформасидан фойдаланиш учун харид килинаётган кириш ҳуқуки 11-синф мактаб ўқувчилари ҳамда университетларга ўқишга кира олмаган ёшлар учун онлайн курсларни тақдим этиш орқали тайёрлов курсларида ўқитиш учун хизмат қиласи.

Таълим платформаси интерфейси ҳамда ўқув курслари контенти (субтитрлари) ўзбек, инглиз ва рус тилларида бўлиши мумкин.

Ишлар ва кўрсатиладиган хизматлар “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси” МЧЖнинг Тошкент шаҳри, Тапамасжид кўчаси, 4 уйдаги асосий биносида амалга оширилади.

3. ОНЛАЙН ЎҚУВ КУРСЛАРИ ТАВСИФИ

Ўқув курслари қуйидаги тавсиф элементларини ўз ичига олиши зарур:

- курс идентификатори;
- курс версияси;
- курс номи;
- курснинг кредит бирликлари буйича умумий юкламаси, ўқув хафталар сони, ҳафталик ўртача юклама ҳажми;
- дастурни таклиф этаётган университет номи;
- курс муаллифлари;
- курснинг асосий тасвири;
- промовидео;
- курснинг қисқача мазмуни;
- курснинг тўлиқ мазмуни;
- шаклланаётган таълим натижалари харитаси;
- берилган сертификатлар ҳақидаги маълумотлар, баҳолаш мезони қоидалари, баҳолаш тизимининг тавсифи (берилган вазифаларни текшириш муддатини ўз ичига олган ҳолда), курс мазмуни билан вазифалар муносабатини акс эттирувчи баҳолаш тизимининг спецификацияси, шу жумладан, кўрсаткичлар тавсифи ва баҳолаш мезонлари, ўлчовлар ва баҳолаш тартиблари тавсифи;
- курсни ўрганиш натижаларини тан оладиган ўқув дастурлари.

Ўқув курслари платформасига кириш хукуки олинадиган ўқув дастурлари иловада келтирилган фанларга мувофиқ бўлиши керак.

Ўқув дастурларида келтирилган курсларнинг ўқув материаллари халқаро рейтингларда юкори погоналарни эгаллаган университетлар, таниқли олимлар томонидан ишлаб чиқилган бўлиши керак.

3.1. Ўқув курсининг қисқа ва тўлиқ изоҳи

Қисқа изоҳда курснинг асосий мазмуни 1-2 жумлада (400 белгигача) акс эттирилиши керак.

Тўлиқ изоҳ қўйидаги тузилишга эга бўлиши мумкин:

Kурс ҳақида

- Курс нимага бағишлиланган?
- Курснинг мақсади.
- Курсда қандай инновацион таълим технологияларидан фойдаланилади?

- Таълим олувчилар курсни якунида қандай таълим натижаларига эришишади? Таълим натижалари малакавий ҳолда 2-3 ҳажмда тузилиши лозим.
- Мотивацион ибора.

Курс шакли

- Курсга нималар киради (видео маъruzалар, сўровлар ва бошқалар.).
- Курс неча хафтага мўлжалланган?
- Таълим олувчининг курс бўйича ҳафталик ўқув юкламаси қандай?
- Кредит бирликларида курснинг умумий юкламаси қандай?

Курснинг маркиби ва жадвали

- Курс мавзулар (бўлимлар)ининг буюртма қилинган рўйхати, қисқача тавсифи (максимал 2 жумла) билан бўлиши лозим.

Ахборот ресурслари

- Зарур бўлган ҳолларда, қўшимча ахборот манбалари рўйхати (китоблар, усуб, қўлланмалар ва бошқалар.) ва уларга ҳаволалар берилиши мумкин.

Қўшимча воситалари

- Ускуна ва дастурий таъминот рўйхати ва уни олиш шартлари.

Тез-тез бериладиган саволлар

- Тез-тез бериладиган саволлар рўйхати. Масалан, махсус дастурий таъминот керакми? ва бошқалар.

3.2. Шакланаётган ҳамда бажарилган таълим натижалари харитаси

Шакланаётган таълим натижалари харитаси куйидаги тузилишга эга бўлиши керак (*белгиси билан белгиланган майдонлар тавсиявий характерга эга):

Олд шартлар	<i>Курсни муваффақиятли ўзлаштириши учун таълим олувчига бўлиши керак бўлган асосий, энг муҳим билим, кўникма ва малакаларни санаб ўтиши керак, уларсиз фанни ўзлаштиришини бошилаш мумкин эмас. Агар курс бошқа курсларнинг мантиқий давоми бўлса, уларни рўйхатга олиш керак.</i>
--------------------	---

3.3. Ўқув курси муаллифлари

Ҳар бир муаллиф учун куйидагиларни кўрсатиш керак:

- фамилия, исми, отасининг исми;
- иш жойи;
- лавозими;
- илмий даражаси;
- илмий унвони.

Ҳар бир муаллиф учун 1:1 нисбатли сурат тайёрланиши керак (энг кам ўлчами 600x600, одам тасвири суратдаги умумий майдоннинг 60% дан кўпроғини эгаллаши, бир хил рангли фон ва ёруғлик бўлиши керак).

4. ОНЛАЙН ЎҚУВ КУРСЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ

Ўқув курси мазмуни бўлимлар, кичик бўлимлар, сахифалар ва таркибий қисмларга бўлинган бўлиши керак.

Ўқув курс ҳафталик режалаштириш асосида тузилган бўлиши керак, бўлимлар бир (ёки бир неча) ҳафта ичида ўрганилаётган материалларнинг жойлашиш тамойилига мувофиқ шакллантирилиши керак.

Ҳар ҳафтанинг материаллари бўлимлар ва кичик қисмларга ажратилиши керак, ҳар бир кичик бўлим бир ёки бир нечта сахифани ўз ичига олиши керак, сахифада камида битта компонент бўлиши керак.

Таълим олувчининг меҳнат жараёни ҳафталар бўйича бир маромда тақсимланиши керак.

Бўлим	Бўлим ости	Сахифа	Компонент
1 ҳафта	Бўлим ости 1	1-сахифа	Қисм (Фрагмент) 1
			Вазифа 1
	Бўлим ости 2	2-сахифа	Қисм 2
			Вазифа 2
2 ҳафта	Бўлим ости 3	3-сахифа	Қисм 3
			Вазифа 3
	Бўлим ости 4	4-сахифа	Қисм 4
			Вазифа 4

Бўлим	Бўлим ости	Сахифа	Компонент
	Бўлим ости 4	5-сахифа	Қисм 5
			Вазифа 5
	Бўлим ости 5	6-сахифа	Вазифа 6
...

5. ОНЛАЙН КУРС УЧУН МЕТОДИК ТАЛАБЛАР.

Ҳар бир курснинг умумий меҳнат юкламаси иловада келтирилган хажмда бўлиши керак. Курснинг умумий давомийлиги 1-16 ҳафта оралиқларида бўлиши мумкин. Таълим олувчининг курс бўйича ҳафталик ўкув 30 соатдан ошмаслиги, ўкув натижаларига эришиш шарти билан таълим олувчининг иш юкламасини камайтириш мақсадида қўлланиладиган ўқитиш усувлари ва дарс структураси оптималлаштирилиши керак.

Дарс жараёнида қўлланиладиган ўқитиш услублари ва воситалари курсни қўллаб-кувватлаш мураккаблигини сезиларли оширмасдан ва курс муаллифларининг таълим олувчилар билан ишлашда бевосита иштирок этмасдан ўқувчилар сонини чексиз ошириш имконини бериши керак.

Қўлланиладиган таълим технологияси ўқувчиларнинг синхрон тадбирларда мажбурий иштирокини таъминламаслиги ва ўқувчиларнинг жойлашувидан қатъий назар ўкув натижаларига эришиш имкониятини таъминлаши лозим.

6. ЎҚУВ КУРСЛАРИ КОНТЕНТЛАРИНИНГ ТЕХНИК ВА УМУМИЙ ПАРАМЕТРЛАРИ

6.1. Видео материаллар

Контейнер: mp4. Кодек: H.264.

Монитор ўлчамлари: камида 1280x720. Томонлар нисбати: 16:9.

Экран майдони тўлиқ тўлдирилиши керак. Ишламайдиган соҳалардан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Ҳошиялар (ахборот ҳажмини кўтарадиган видеодаги обьектларга кўринадиган майдон четидан энг кам масофада) камида 1% ва кўпи билан 5% бўлиши керак. Шрифт ўлчами экран баландлигининг камида 3% бўлиши керак.

Овоз йўлагининг сифати хусусиятлари:

- овоз йўлаги ҳақиқий стерео режимда бўлиши керак, бу ерда ўқитувчининг овози чап ва ўнг каналлар орасида жойлашган бўлиши лозим;

- овоз эфектлари, товушлар, мусиқа шунга ўхшаш режимда бўлиши мумкин ёки улар бадий ва техник вазифаларга қараб тўлик стерео режимда амалга оширилиши мумкин;

- стерео трек техник жихатдан моно ускуналарда ижро этишга мўлжалланган бўлиши, коррелометринг қиймати "0" +/-0.5 га мос келиши керак;

- сигнал-шовқин нисбати камидаги 40 дб бўлиши керак;

- фойдали сигналлар орасидаги интерваллар - ўқитувчининг нутқи, овоз эфектлари, мусиқа ва шовқин;

- фойдали сигналнинг динамик диапазони (шивирлаш/баланд нутқ) 16 дб дан ошмаслиги керак;

- ўртача RMS ҳажм даражаси -14 дб ва -12 дб орасида бўлиши керак;

- овоз кўрсаткичи максимал чўқиси 2дб билан чекланган бўлиши керак.

Овоз фрагментларида қуидаги нуқсонлар бўлишига йўл қўйилмайди:

- фондаги шовқин, чет товушни келтириб чиқарадиган ёт овозлар;

- қайта ишлаш ва ёзиш жараёнидаги хатолар эфектидаги сигнал бўлиши;

- якуний ёзув паст ёки баланд частоталарга эга бўлиши;

- дикторлик нутқидаги бевосита нуқсонлар (дудукланиш, товушларни нотўғри талаффуз қилиниши ва бошқалар);

- кенг динамик диапазон - нутқ фрагментидаги паст ва баланд товуш даражалари ўртасидаги катта фарқ.

Умумий тавсиялар қуидагилардан иборат:

- нормаллаштиришни қўллаш зарурияти - модулнинг барча фрагментларини эшитилиш даражасини силлиқлаш;

- барча овоз фрагментларида бир турдаги зичлаш форматидан фойдаланиш;

- дастлабки фонограммаларни рақамли кўринишда ифодалаш;

- аналог товушли фрагментни рақамлига ўтказиш жараёнида тўғридан-тўғри коммутация жараёнидан фойдаланиш.

Видеонинг сифат хусусиятлари:

- кертиксиз шрифтдан фойдаланиш тавсия этилади;

- бир курс материалларида З тадан ортиқ шрифтдан фойдаланиш тавсия қилинмайди;

- курс давомида буллитлар бир хил бўлиши керак;
- матн учун бутунлай оқ фон, қолип ва чизиклардан фойдаланиш тавсия қилинмайди;
- ўқиш қобилиятини ошириш учун матн ва ранглар мутаносиблигидан фойдаланиш тавсия этилади;
- параграф, жадвалнинг битта жумласида контраст шрифт рангларини ишлатиш тавсия этилмайди;
- агар курс давомида жадвалларнинг фон рангидан фойдаланиш керак бўлса, асосий фонга нисбатан қарама-карши ранглардан фойдаланиш тавсия этилмайди, ёруғлик ёки қоронғу томонда кичик семитон етарли хисобланади;
- рамкалар, жадвал чизиклари, йўналишлар қалинлиги шрифт чизигининг қалинлигига мос келиши керак;
- курс доирасида бир хил ранги схемада, рамкалар, соялар билан фотосуратли, анимацион материаллардан фойдаланиш мақсадга мувофикдир;
- пиктограммалар ва инфографикадан фойдаланиш тавсия этилади;
- икки ёки ундан ортиқ саҳналарнинг бўғимлари (монтаж ёпиштирувчи) ҳеч қандай ўтиш таъсири билан бирга бўлмаслиги керак. Эффектларни видеонинг бошида ва охирида қўллашга рухсат берилади;
- табиий кўриш тажрибасини таъминлаш учун бир хил ўлчамдаги саҳналарни улаш (ўрнатиш) тавсия этилмайди;
- саҳналарни тасвирга олинаётганда ранг баранг кийим ва эркин пардоздан фойдаланиш тавсия этилмайди;
- ўқитувчини суратга олишда катакли ва йўл-йўл кийимлардан фойдаланиш тавсия этилмайди.

Видео материалларни томоша қилиш учун мўлжалланган дастурий воситаларда асосий имкониятлардан ташкари қўйидаги функцияларга хам эга бўлиши мумкин:

Белги	Функцияси
►	Ишга тушириш (ўйнатиш)
	Пауза (вақтинча тўхтатиш)
■	Тўхтатиш
◀◀	Орқага
▶▶	Олдинга
🔊	Товушни ёкиш ва ўчириш



6.2. Турли платформаларда контентни ишлатиш имконияти учун талаблар

Контент яратишида қўлланиладиган технологиялар мобил платформалар (мобил қурилмалар)да курс билан ишлашга тўсқинлик қиласлиги керак.

Фақат маълум бир платформада ишга тушириш мумкин бўлган интерактив контентдан фойдаланганда, таълим натижаларига эришиш ва баҳолаш учун муқобил вариант тақдим этилиши керак. Агар муқобил вариант бўлмаса, платформа талаблари курс тавсифида кўрсатилиши керак.

Маълумот узатиш ва алмашиш учун тегишли тизимлар билан ўзаро алоқани ўрнатиш учун платформада API функциялар жорий этилиши керак. Маълумот алмашиш форматлари API хужжатлари билан белгиланиши мумкин.

6.3. Имконияти чекланган шахслар учун қулайлик

Барча видео-маърузалар субтитрлар билан бирга бўлиши керак.

Имконияти чекланган инсонлар учун интерактив компонентлардан фойдаланган ҳолда ўкув натижаларига эришиш ва баҳолашнинг муқобил варианти тақдим этилиши лозим.

6.4. Фойдаланиладиган ташқи ресурсларга қўйиладиган талаблар

Курсни ўрганишда қўшимча ресурслар сифатида ташқи ресурслардан фойдаланиш мумкин. Асосий материал сифатида ташқи ресурсдан фойдаланган ҳолда қўйидаги шартлар бажарилиши керак:

- ресурсларнинг мавжудлиги 24/7 қўриишда таъминланади;
- манба билан ишлашда фойдаланувчи режалаштирилган ўкув натижаларига (шу жумладан, рекламага) эришиш билан боғлик бўлган учинчи томон маълумотларини кўрмайди.

6.5. Курс тайёрлигига қўйиладиган талаблар

Ишга тушишдан икки ҳафта олдин аризаларни қабул қилишни бошлаш учун курс тавсифи шакллантирилиши керак.

Курс бошланган вактга келиб, курснинг дастлабки тўрт ҳафтаси ва платформага юкланиши керак бўлган курс компонентларининг умумий ҳажмининг 60% талаб қилинади.

6.6. Платформадан фойдаланувчилар тоифаси ва уларнинг имкониятлари

Платформадан фойдаланиш учун тизимда қуидагича фойдаланувчилар тоифалари ва роллари бўлиши зарур:

- Администратор;
- Таълим оловчи.

а) Администратор - ушбу фойдаланувчи тоифаси платформада ўқув режаларни, таълим оловчилар, фан ўқув дастурлари маълумотларини бошқариш хамда ўқув жараёни мониторингига тегишли статистик маълумотларни олиш имкониятига эга.

Администратор учун платформа ва унинг бўлимларида қуидаги имкониятлар бўлиши керак:

Бўлим / меню / секция номи	Қуий бўлим / саҳифа номи	Функция / имконият
Ўқув дастурини бошқариш	Таълим оловчиларни бошқариш	Таълим оловчиларнинг қуидаги статусларини белгилаш: <ul style="list-style-type: none">– дастурга қўшилган;– таклиф этилган, лекин ҳеч качон бу ўқув дастурга қўшилмаган;– рўйхатга олинган, лекин хозирда рўйхатдан ўтмаган;– рўйхатдан ўтган, лекин тўлдирилмаган;– рўйхатга олинган, лекин охирги 30 кун давомида харакатсиз;– охирги 90 кун давомида харакатсиз;– охирги 30 кун ичida камида 1 марта вазифа бажарган;– бу ўқув дастурдан ўчирилган.
		Муайян фойдаланувчиларни ажратиш учун филтрлардан фойдаланиш
		Фойдаланувчилар рўйхатида қуидаги устунларни қўшиш ёки олиб ташлаш (танлов ойнаси пайдо бўлиши максадга мувофик): <ul style="list-style-type: none">– таълим оловчи (эслатма: бу автоматик равишда танланади ва уни олиб ташлаб

Бўлим / меню / секция номи	Қуий бўлим / сахифа номи	Функция / имконият
		<p>бўлмайди);</p> <ul style="list-style-type: none"> – қўшилиш санаси; – таклифнома санаси; – охирги фаолият санаси; – холат; – шартномалар; – жорий рўйхатга олишлар; – тугалланишлар; – ташки идентификатор; – ўчириш санаси; – қайтишга рухсат бериш.
		<p>Фойдаланувчилар рўйхатида навигация (сахифада горизонтал айлантириш орқали кўшимча устунларни кўриш)</p>
		<p>Таълим оловчилар ва таклифномаларни рўйхатдан олиб ташлаш</p>
		<p>Таълим оловчиларни таклиф этиш</p>
		<p>Таълим оловчиларни рўйхатни янгилаш</p>
		<p>Таълим оловчиларга электрон почта орқали хабарлар юбориш (ўқув курси дастурига таклиф учун манзил юбориш)</p>
		<p>Таълим оловчилар (фойдаланувчилар) рўйхатини CSV форматда юклаб олиш</p>
Ўқув дастурлари каталоглари билан ишлаш		<p>Курс тўпламларидан иборат ўқув дастури яратиш</p>
		<p>Курс тўпламларига янги курс қўшиш</p>
		<p>Курс тўпламлари номаларини таҳrir килиш</p>
		<p>Курс тўпламларини ўчириш</p>
		<p>Курс кесимида бир ёки бир нечта курслар билан қуйидаги амалларни бажариш:</p> <ul style="list-style-type: none"> – курсларни бошқа курс тўрламларига кўчириш; – курс нусхасини ўқув дастури ичидаги бошқа тўпламга кўчиринг;

Бўлим / меню / секция номи	Қуий бўлим / саҳифа номи	Функция / имконият
		<ul style="list-style-type: none"> – курс кесимида баҳолар ва дарсликлар ҳақидаги ҳисоботни юклаб олинг; – курсни олиб ташланг.
	Созламалар	Ўқув дастури брендини бошкариш, курсни рўйхатга олиш чегараси майдонидаги кийматни белгилаш, таълим олувчиларга дастур манзилларини юбориш созламаларини ўзгартириш
Тингловчиларни таклиф этиш	Таклифномалар юбориш	<p>Оммавий таклифномалар юбориш</p> <p>Тингловчиларга электрон почта оркали таклифнома юбориш</p>
	Тингловчиларга хабарлар юбориш	<p>Таълим олувчиларнинг турли гурухларига мослаштирилган хабарларни электрон почта оркали юбориш</p> <p>Таълим олувчиларга яқинлашиб келаётган тадбирлар, муддатлар ва янги дастурлар ҳақидаги хабарларни автоматик тарзда юбориш бериш</p>
Ҳисоботлар тайёрлаш	Стандарт ҳисоботларни шакллантириш	Доимий фойдаланиш ҳисоботи. Таълим олувчиларнинг индивидуал ютуклари акс этган ҳисобот
		Аъзолик ҳисоботи. Таълим олувчиларнинг аъзолик ҳолати ва умумий ўзлантириши ҳақидаги ҳисобот
		Иҳтисослик ҳисоботи. Таълим олувчиларнинг иҳтисослик бўйича эришган ютуклари тўғрисидаги ҳисобот
	Хафталик ҳисоботлар	Муассаса даражасида хафталиқ (хафта кунларини танлаш оркали) ҳисоботларни шакллантириш ва уларни электрон почта манзилига автоматик юбориш
	Аналитик ҳисоботлар	Таълим олувчиларнинг активлиги тўғрисида аналитик ҳисобот. Фильтрларни кўллаган холда маълум бир давр учун аналитик ҳисоботларни шакллантириши ва “Analytics dashboard”да акс эттириш
		Таълим олувчиларнинг таклиф ва эътиrozлари. Тингловчилардан ўқув курслари сифатини баҳоланилари ва уни

Бўлим / меню / секция номи	Қуий бўлим / сахифа номи	Функция / имконият
		ривожлантириш бўйича таклифларини олиш
		Кўникмаларни ривожлантириш бўйича хисобот. Муассасанинг маҳорат даражасини ва ўкув кўрсаткичларини акс эттириш
		Таълим оловчиликнинг маҳорат даражасини акс эттириш
		Курсни ўзлаштириш учун кетган ўртacha вакт
		Якунига етган назоратлар (тестлар) ва уларга эришиш учун кетган умумий, ўртacha вактни акс эттириш
		Хар бир малака даражасига мос келадиган курслар рўйхатини шакллантириш
Администраторлар билан ишлаш	Муассаса администраторларни кўшиш ва олиб ташлаш	Муассаса администраторлари қуидаги имкониятларга эга бўлади: – таълим оловчиликни барча ўкув дастурларига кўшиш; – таълим оловчиликни барча ўкув дастурларидан чиқариб ташлаш; – барча ўкув дастурларидаги таълим оловчилар маълумотларига кириш.
	Дастур администраторларни кўшиш ва олиб ташлаш	Дастур администраторлари факат маълум ўкув дастурларига оид функцияларни бажариш имкониятига эга бўлади

б) Таълим оловчи - ушбу фойдаланувчи тоифаси ўкув режаларда белгиланган фанларнинг модулларидаги ўкув материалларни олиш, ўзлаштириш натижалари билан танишиш ҳамда тизимдан фойдаланиш статистикасини кўриш имкониятига эга бўлади.

Таълим оловчилар учун платформа ва унинг бўлимларида қуидаги имкониятлар бўлиши керак:

Бўлим / меню / секция номи	Қуий бўлим / сахифа номи	Функция / имконият
Таълим дастурида иштирок этиш	Таълим дастурига кўшилиш	Таълим олиш истагида бўлган шахс томонидан таълим дастурида иштирок этиши “кўшилиш” тугмасини босиш орқали амалга

Бўлим / меню / секция номи	Куйи бўлим / сахифа номи	Функция / имконият
		<p>оширилиши керак</p> <p>Аввалдан рўйхатдан ўтган таълим олувчилар учун “Кириш” (Log In) тугмасини босиш орқали кириш имконияти бўлиши керак</p> <p>“Ўқув дастурига бепул қўшилиш” (Join for Free) тугмаси орқали ўқув курслари билан танишиш учун қўшилиш имконияти бўлиши зарур</p>
	Аккаунт яратиш	<p>Янги фойдаланувчилар учун “янги фойдаланувчи” (I’m a new user) тугмаси орқали аккаунт яратиш имконияти бўлиши керак</p>
		<p>Агар таълим олувчи аввал рўйхатдан ўтган бўлса (администратор орқали рўйхатга қўшилиб платформага кириш манзилини электрон почта орқали олган) “мен мавжуд фойдаланувчиман” (I’m existing user) тугмаси орқали кириш имконияти</p>
	Шахсий кабинет	<p>Таълим олувчининг шахсий кабинетида қўйидаги асосий имкониятлар бўлиши зарур:</p> <ul style="list-style-type: none"> – “Менинг курсларим” (My Courses) бўлимига кириш ва ўқув курслари, тўпламлар ва улардаги ўқув курсларни кўриш имконияти; – “Каталогни кўриш” (Browse Catalog) тугмаси орқали таклиф этилаётган ўқув дастурлари ва ўқув курсларини кўриш.
Ўқув курсларига ёзилиш	Ўқув курсини танлаш	“Менинг курсларим” бўлими орқали ўқув курси каталогини кўриш (ўқув дастуридаги мавжуд курсларни) ва курсни танлаш орқали курс ҳакида батафсил маълумотларни олиш
	Ўқув курсига ёзилиш (танлаш)	<p>Ўқув курси тўғрисида қўйидаги маълумотлар бўлиши зарур:</p> <ul style="list-style-type: none"> – ўқув курси орқали қўлга киритиладиган кўнгиллар; – ўқув курси даражаси;

Бўлим / меню / секция номи	Куйи бўлим / сахифа номи	Функция / имконият
		<ul style="list-style-type: none"> – ўқув юкламаси хажми; – ўқув курсининг рейтинги; – ўқув дастури.
Ўқув курсида иштирок этиш	Ўқув курсига кириш	<p>Рўйхатдан ўтган фойдаланувчи (таълим олувчи) учун “Менинг курсларим” бўлимида ўқув курси номи ва “Дастурни таклиф этаётган университет” номи бўлиши керак.</p> <p>Ушбу ойнада “кўриш” тугмаси орқали курс материалларини кўриш сахифасига ўтиш имконияти бўлиши керак</p>
	Ўқув материалларини кўриш	<p>Мазкур сахифада ўқув курсини ҳакидаги маълумотлар экраннинг ўнг томонида кўйидаги тартибда акс эттирилиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> – “Умумий” (ўқув курсларининг хафталар бўйича таксимланиши хафталарни рақамлаш орқали акс эттирилиш зарур); – “Баҳолар”; – “Қайдлар”; – “Мухокама учун форум”” – “Хабарлар”; – “Ресурслар”; – “Курс ҳақида маълумот”.
	Ўқув курсида эришилган натижаларни кўриш	<p>Ҳар бир дарс сахифасида ўз вакт жадвалига эга бўлиши зарур ва бу таълим олувчининг жорий ҳолатини осонгина кўриш имконини бериши керак.</p> <p>Бу сахифада таълим олувчи курс орқали кандай ривожланаётганини кузатиб бориши керак. Хафталар кесимида ўқув курсининг кайси кисми ўқилгани, кайси кисми тутгалланганлиги кўриниб туриши керак.</p>
	Баҳоларни кузатиб бориш	<p>“Баҳолар” бўлими орқали куйидагилани кузатиб бориши имкони бўлиши зарур:</p> <ul style="list-style-type: none"> – ўқув курсига оид барча тест ва топширикларни кўриш; – кечиктирилган топширикларни кўриш;

Бўлим / меню / секция номи	Куий бўлим / сахифа номи	Функция / имконият
		– барча бажарилган ва баҳолангандаги савол ва викторина топширикларни кўриш.
	Мухокама учун форумда иштирок этиш	Ушбу имконият орқали таълим олувчига таълим олувчилик ўргасида топшириклар хақида фикр ва мулоҳазаларни мухокама килиш имконияти берилиши керак.

6.7. Платформанинг қўшимча функциялари

Платформа орқали тингловчилар томонидан бажарилган вазифаларнинг ечимини мухокама килиш жараёнида гурӯхнинг ўзаро алокаси учун аудио чат ва видео мулоқот тақдим этилиши мумкин.

